Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Ромитан тумани ҳокими
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Romitan tumani hokimi
QARORI

2020 йил "31" декабрь Ромитан тумани 42 -сон

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 306-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Ромитан туман филиали томонидан аҳоли(истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Ромитан туман филиали (М.Отабоев)га:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги аппарати умумий бўлими (Н.Умуров) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни "Ромитаннома" газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Ромитаннома" газетасида эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Шодиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Х.Тохиров

Тасдиклайман
Ромитан туман хокими
_____Х.Я.Тохиров

Вилоят «Сувокава» ДУК Ромитан туман филиали томонидан туман худудидаги ахоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар оркали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун туловлар тарифлари

№	Худуд номи	Микдори тн	муддати	Сув олиш нуктасидан ахоли пунктигача булган уртача масофа (км)	Худудлар буйича ККСсиз уртача тариф		
					Сум \ тн-км	Сум\ тн	Сум\ литр
	1	2	3	4	5	6	7
1	Богча МФЙ	3,7	Хар куни	15	748	11220	50
2	Кахрамон МФЙ	3,7	Хар куни	15	748	11220	50
3	Тарнаут МФЙ	3,7	Хар куни	15	748	11220	50

Бухоро вилоят «Сувокава» ДУК
Ромитан туман филиали рахбари **М.Отабоев**